

Тошкент ш.

2022 йил 27 04

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “ELEGANT PROJECT” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав асосида иш кўрувчи директор **З.Тожибоев** иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 22.04 даги 68932-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи “Тошкент шаҳар, Миробод тумани, “Банокатий” МФЙ худудидаги 64-сонли МТТ биносини мукаммал таъмирлаш (АРТ 1-2 ва топохаритани ҳисобга олган ҳолда) ” объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Топохарита харажатлари;
- (ЗВОС) харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (**ҚҚС билан**) **80 000 000.0 (Саксон мид.лион)** сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи куйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун муружаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- 1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;
- 2-илова – Календар иш жадвали;
- 3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING

КОМПАНИYA” ДУК

Юридик манзили: **ЮНН БУ ЦБ** г. Ташкент
100027, Тошкент ш. И. Каримов кучаси,
16а-уй. **ОКОНХ 69000**

302021860262777081100251019
УПРАВЛЕНИЕ КАЗНАЧЕЙСТВА

МИНФИНА РУз

р/с 23 402 000 300 100 001 010

ИНН 201 122 919

Директор в.б.

Р.У. Кучкаров

БАЖАРУВЧИ

“ELEGANT PROJECT” МЧЖ

Адрес: Жиззах ш. Кимёгар маҳалласи, 22а-уй
Телефон: +99872-226-66-11;
х/р 2020 8000 2004 7650 4001;
АТИБ Ипотекабанк Жиззах филиали.
МФО: 00122, СТИР: 303 363 994;
ОКЭД: 71120

Директор

З.Тожибоев.



“Тасдиқлайман”

Тошкент шаҳар ҳокимияти

“ЯБХ” ИК директори в.б.

Комиссия раиси

Р.У. Кучкаров



«27» 04 2022й.

Тошкент шаҳар

“Тошкент шаҳар, Миробод тумани, “Банокатий” МФЙ худудидаги 64-сонли МТТ биносини мукамал таъмирлаш (АРТ 1-2, топохаритани ҳисобга олган ҳолда)” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси

йиғилишининг

БАЁНИ

Комиссия аъзолари:

С. Сагдиев

-Бош муҳандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса штирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

Абдунабиев А.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

КУН ТАРТИБИ

“Тошкент шаҳар, Миробод тумани, “Банокатий” МФЙ худудидаги 64-сонли МТТ биносини мукамал таъмирлаш (АРТ 1-2, топохаритани ҳисобга олган ҳолда)” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р. Кучкаров, С. Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, А. Абдунабиев)

Компания томонидан 2022 йил 13 апрел куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 68932 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “ELEGANT PROJECT” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимиغا муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимиغا жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 22 апрелдаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар, Миробод тумани, “Банокатий” МФЙ худудидаги 64-сонли МТТ биносини мукаммал таъмирлаш (АРТ 1-2, топохаритани ҳисобга олган ҳолда)” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “ELEGANT PROJECT” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.


Комиссия аъзолари.


С. Сағдиев


Ш. Қодиров



О. Хамидов


П. Абдусатторов


А. Абдунабиев



Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ягона бўғуртмачи хизмати" ИКнинг



2022 йилги МАЊИЛИДИ РЎЊИХАТИ


№	Тўр	2	3	4	5	6	7	8	2022 йил учун капитал сўбмавлар диниги				2022 йилги федерацияга топширилган		15	16	17	18	19	20	
									9	10	11	12	13	14							
43	Жами капитал								8 926,093			8 926,093									
1	Тошкент шаҳар, Бегovatчи қурамини, "Ягона" МФЙ қурадала мин икватр биносини қуриш	2022й	Объект						1 201,276			1 201,276									Тошкент
2	Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек қурамини, "Турон" МФЙ қурадалаги 41-қошни КИТ биносини жорик таъмирлаш	2022й	Объект						51,000			51,000									Тошкент
3	Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек қурамини, "Турон" МФЙ қурадалаги 493-қошни КИТ биносини қурадалаги таъмирлаш	2022й	Объект						158,650			158,650									Тошкент
4	Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек қурамини, "Турон" МФЙ қурадалаги 597-қошни КИТ биносини қурадалаги таъмирлаш	2022й	Объект						184,275			184,275									Тошкент
5	Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек қурамини, "Турон" МФЙ қурадалаги 71-қошни қават биносини қурадалаги таъмирлаш	2022й	Объект						312,000			312,000									Тошкент
6	Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек қурамини, "Богинилдан" МФЙ қурадалаги 325-қошни КИТ биносини қурадалаги таъмирлаш	2022й	Объект						73,850			73,850									Тошкент

№П	Объектлар номи ва мазмун	Қўрилуш боғланми ва фойдаланиш шарт шартлари	Объект	Объектнинг устуворлиги (шарҳнома берилганда)	01.01.22 й. қолган объект қолдиқ кўрсаткичи	01.01.22 й. қолган йилга ўтувчи объектнинг қиймати	01.01.23 й. қолган йилга ўтувчи объектнинг қиймати	2022 йил учун қилган қўриқилар дини					2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.22 й. қолган йилга ўтувчи объектнинг қиймати	01.01.23 й. қолган йилга ўтувчи объектнинг қиймати	Экспертлар таъқиқоти раъйи	Тендер (таъқиқоти раъйи) шартлари	Тендер	
								Жами	Қўрилуш - қўриқилар	Жами	Жами	Жами	Қўрилуш - қўриқилар	Ассети фонд қиймати						
1		2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
7	Тошкент шаҳар, Мирзо Урғабек тумани, "Бог'найка" МФЙ қўриқилари 367-сонли МТТ биносини қўриқиларга таъмирлаш	2022й	Объект						152,175			152,175		Объект						Тошкент
8	Тошкент шаҳар, Мирзо Урғабек тумани, "Бог'найка" МФЙ қўриқилари 64-сонли МТТ биносини қўриқиларга таъмирлаш	2022й	Объект						88,504			88,504		Объект						Тошкент
9	Тошкент шаҳар, Мирзо Урғабек тумани, "Бог'найка" МФЙ қўриқилари 175-сонли қишлоқ биносини қўриқиларга таъмирлаш	2022й	Объект						268,000			268,000		Объект						Тошкент
10	Тошкент шаҳар, Мирзо Урғабек тумани, "Янги Қўйнар" МФЙ қўриқилари 183-сонли МТТ биносини қўриқиларга таъмирлаш	2022й	Объект						212,500			212,500		Объект						Тошкент
11	Тошкент шаҳар, Мирзо Урғабек тумани, "Янги Қўйнар" МФЙ қўриқилари 126-сонли МТТ биносини қўриқиларга таъмирлаш	2022й	Объект						212,500			212,500		Объект						Тошкент
12	Тошкент шаҳар, Мирзо Урғабек тумани, "Янги Қўйнар" МФЙ қўриқилари 121-сонли қишлоқ биносини қўриқиларга таъмирлаш	2022й	Объект						388,000			388,000		Объект						Тошкент
13	Тошкент шаҳар, Мирзо Урғабек тумани, "Янги Қўйнар" МФЙ қўриқилари 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биносини қўриқиларга таъмирлаш	2022й	Объект						239,008			239,008		Объект						Тошкент
14	Тошкент шаҳар, Олмаотқ тумани, "Шон-Шуҳрат" МФЙ қўриқилари 599-сонли МТТ биносини қўриқиларга таъмирлаш	2022й	Объект						230,008			230,008		Объект						Тошкент
15	Тошкент шаҳар, Олмаотқ тумани, "Шон-Шуҳрат" МФЙ қўриқилари 15-сонли қишлоқ биносини қўриқиларга таъмирлаш	2022й	Объект						199,000			199,000		Объект						Тошкент

№	Төр	Объектлар номи ва микдоси	Курinish бошланishi	Локация	Объектнинг таври	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	2022 йил учун компания кўрсаткичлари					2022 йилда фискализацияга топширилгани		01.01.23 й. йилда утувчи объектнинг киймати	01.01.23 й. йилда утувчи объектнинг киймати	Экспортга кўрсатиладиган на саноат	Тендер (таъриф)лар натижалари бўйича бўлиб оладиган рақам на саноат	Ташкилот номи
								9	10	11	12	13	14	15					
34		Тошкент шаҳар, Янгиёқоғ тумани, "Янгиёқоғ" МФЙ ҳудудлари Янгиёқоғ болалар мектеби ва ташкилот мактаб биноси ва боғи таъмирлаш	Курinish бошланishi	Локация	Объектнинг таври	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	2022 йилда компания кўрсаткичлари	2022 йилда фискализацияга топширилгани			01.01.23 й. йилда утувчи объектнинг киймати	01.01.23 й. йилда утувчи объектнинг киймати	Экспортга кўрсатиладиган на саноат	Тендер (таъриф)лар натижалари бўйича бўлиб оладиган рақам на саноат	Ташкилот номи			
35		Тошкент шаҳар, Янгиёқоғ тумани, "Хамид Сулаймонов" МФЙ ҳудудлари 25-сонли мактаб мактаб биносини мурамама таъмирлаш	Курinish бошланishi	Локация	Объектнинг таври	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	148 000	19 500	148 000	19 500	148 000	19 500			Тошкент			
36		Тошкент шаҳар, Янгиёқоғ тумани, "Хамид Сулаймонов" МФЙ ҳудудлари 118-сонли мактаб биносини мурамама таъмирлаш	Курinish бошланishi	Локация	Объектнинг таври	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	390 000	390 000	390 000	390 000	390 000			Тошкент				
37		Тошкент шаҳар, Янгиёқоғ тумани, "Хамид Сулаймонов" МФЙ ҳудудлари 1-сонли болалар ва ўқувчилар спорт мактабига қарши "Қадрият" сўз хазинасини мурамама таъмирлаш	Курinish бошланishi	Локация	Объектнинг таври	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	74 000	74 000	74 000	74 000	74 000			Тошкент				
38		Тошкент шаҳар, Янгиёқоғ тумани, "Хамид Сулаймонов" МФЙ ҳудудлари 160-сонли кутубхонашаритлати Давлат уюштурувчи мактаб биносини мурамама таъмирлаш	Курinish бошланishi	Локация	Объектнинг таври	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	320 000	320 000	320 000	320 000	320 000			Тошкент				
39		Тошкент шаҳар, Янгиёқоғ тумани, "Янгиёқоғ" МФЙ ҳудудлари 57-сонли оқимий политехника биноси ва боғи таъмирлаш	Курinish бошланishi	Локация	Объектнинг таври	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	76 000	76 000	76 000	76 000	76 000			Тошкент				
40		Тошкент шаҳар, Янгиёқоғ тумани, "Янгиёқоғ" МФЙ ҳудудлари санитариya-эпидемиология боғидаги ва жамоат саломатлиги хизмати Янгиёқоғ тумани бўғимини мурамама таъмирлаш	Курinish бошланishi	Локация	Объектнинг таври	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	388 000	388 000	388 000	388 000	388 000			Тошкент				
41		Тошкент шаҳар, Янгиёқоғ тумани, "Жадида" МФЙ ҳудудлари янги оқимий политехника биносини қуриш	Курinish бошланishi	Локация	Объектнинг таври	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	117 500	117 500	117 500	117 500	117 500			Тошкент				
42		Тошкент шаҳар, Янгиёқоғ тумани, "Янги" МФЙ ҳудудлари 3-сонли мактабнинг янги биносини қуриш	Курinish бошланishi	Локация	Объектнинг таври	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	01.01.22 й. холдаги йилда утувчи объектнинг киймати	509 259	509 259	509 259	509 259	509 259			Тошкент				



"Қўриқов"
 Ҳисобчи ва
 инҳибитсиячи
 Қўриқов
 2022 й.



"Қўриқов"
 Ҳисобчи ва
 инҳибитсиячи
 Қўриқов
 2022 й.

1	2	3	4	5	6	7	8	2022 йил учун капитал сўбҳоқлар йилги					2022 йилда фойдаланишга томиригадан		16	17	18	19	20
								9	10	11	12	13	14	15					
Объектлар номи ва маълумоти	Қўриқов боғламиниш ва фойдаланиш шара томириши йили	Дўйқоқ Қўриқов	Объектнинг ушундай қўриқовти (шартнома асосида) жўриқовти, бўйратилиши, боғлаши, сўбҳоқлаштирилиши.	01.01.22 й. қолғида қолғида объект қолғида қўриқовти жўриқовти, бўйратилиши, боғлаши, сўбҳоқлаштирилиши.	01.01.22 й. қолғида қолғида объектнинг ўшундай (капитал) объектнинг қўриқовти жўриқовти, бўйратилиши, боғлаши, сўбҳоқлаштирилиши.	01.01.22 й. қолғида қолғида объектнинг ўшундай (капитал) объектнинг қўриқовти жўриқовти, бўйратилиши, боғлаши, сўбҳоқлаштирилиши.	Жади қолғида сўбҳоқлар								Қўриқов - қолғида қолғида	Жади	Жади қолғида қолғида қолғида	Қўриқов/дўйқоқ дағ	Асосий фонд сўмалори
								Объект	Объект	Объект	Объект	Объект	Объект	Объект					

Handwritten signature